

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Вилоят ҳокими ўринбосари,
вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
жамоатчилик Кенгаши раиси

_____ М.Мамадиярова
"_____" март 2024 йил

**Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

2024 йил 10 март

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: М.Мамадиярова-вилоят ҳокими ўринбосари-
жамоатчилик Кенгаши раиси

Иштирок этганлар: Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик
Кенгаши аъзолари (рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

**“Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими доирасидаги вазифаларнинг
натижадорлиги тўғрисида**

(Мамадиярова, Кенгаш аъзолари,..., Мамадиярова)

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари - жамоатчилик Кенгаши раҳбари М.Мамадиярова кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни ва йиғилишга таклиф этилганларни кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

Хусусан, “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизимини жорий йилда изчил давом эттириш орқали вилоят бўйича 30 мингдан ортиқ хотин-қизларга турли ижтимоий-иқтисодий ёрдамлар кўрсатилиши режалаштирилган.

Шу ўринда, мазкур тизим доирасида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида самарали ташкил қилишда тўпланган тажрибадан унумли фойдаланиш, ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз Раҳбарининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизимига оид топшириқлари самарали ижросини таъминлаш мақсадида йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масалалар юзасидан берилган ахборотлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг 4-босқичида:

“Аёллар дафтари”даги хотин-қизларга кўрсатилган ёрдамлар халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари муҳокамасига арийим ҳолларда

киритилмаганлиги, натижада, амалдаги қонунчилик талаблари бажарилмаганлиги ва хотин-қизлар “Аёллар дафтари” рўйхатидан чиқарилмаганлиги;

“Аёллар дафтари” жамғармасининг молиявий-иқтисодий таҳлили юритилмаганлиги, натижада, жамғарма маблағларнинг йўналишлар бўйича сарф-харажатлари ҳамда ижтимоий ёрдамларнинг прогнозлари ишлаб чиқилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ушбу камчиликларнинг 2024 йилда такрорланмаслигини таъминлаш ва қатъий назорат қилиш масалаларида секторлар раҳбарларидга шахсий масъулият юклансин.

3. Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси ҳамда барча туман ва шаҳар сеткор раҳбарларига “Аёллар дафтари”дан чиқарилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотларнинг секторлар штаблари котиблари томонидан “Хотин-қизлар.уз” ахборот тизимига киритилишини ташкил қилсин.

4. 2024 йилда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини хатловдан ўтказиш, “Аёллар дафтари”нинг 5-босқич рўйхатларини шакллантириш ва ушбу жараёнда эътибор қаратилиши лозим бўлган тавсиялар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, АТ “Халқ банки”, АТБ “Агробанк” ва АТБ “Микрокредитбанк”ларнинг вилоят бошқармалари билан биргаликда тадбикорлик қилиш истагини билдирган ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга уларнинг бизнес лойҳаларини (режаларини) ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш масалаларида амалий-услубий кўмак кўрсатилишини ташкил қилсин.

6. Навоий шаҳар ҳудудидаги барча маҳаллалар хотин-қизлар фаоллари “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизлар рўйхатларини шакллантирилишида, уларга амалий кўмак кўрсатилишида коррупцион ҳатти-ҳаракатларга, қариндош-уруғчилик ҳолатларига йўл қўймаслик масалаларида қатъий огоҳлантирилсин.

7. Мазкур йиғилиш баёнининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш котиби


Д.Гаффорова